

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯДА ТАЖРИБА ҲАЙВОНЛАРИ ИНГИЧКА ИЧАК ДЕВОРИ MORFOFUNKЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ЛАБОРАТОР АСПЕКТЛАРИ

Орипов Ф.С.¹, Давлатов С.С.², Абдураимов З.А.¹

*1-Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд ш.,
Ўзбекистон*

*2-Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти,
Бухоро ш., Ўзбекистон*

Аннотация. Морфологик жиҳатидан, ингичка ичак шиллиқ қавати кўп миқдорда юзасида ворсинкаларга эга бурмалардан иборат бўлиб, у ичак сўриш функциясини бир неча маротаба оширишга ёрдам беради. Ушбу тадқиқотда биз ўт пуфагини олиб ташлаш (холецистектомия) ингичка ичакнинг, яъни унинг ёнбош ичак қисмининг деворида қандай морфофункционал ўзгаришлар олиб келишини ўрганишга қарор қилдик. Ўт пуфаги ичакларга ўт суюқлиги миқдори тушишини тартибга солиш орқали овқат ҳазм қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу аъзо олиб ташланганда, ўт суюқлиги ишлаб чиқаришнинг одатий жараёни ўзгаради, бу ошқозон-ичак трактининг шиллиқ қаватига таъсир қилмай қолмайди. Биз олган маълумотлар экспериментал даврда ички аъзолар даражасида содир бўладиган чуқур функционал ўзгаришларнинг ишончли лаборатория тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: холецистектомия, ингичка ичак, ёнбош ичак, ўт суюқлиги, криптилар, морфометрия, иммуногистохимё, ворсинкалар.

Кириш. Морфологик жиҳатидан, ингичка ичак шиллиқ қавати кўп миқдорда юзасида ворсинкаларга эга бурмалардан иборат бўлиб, у ичак сўриш функциясини бир неча маротаба оширишга ёрдам беради. Шунингдек, Ворсинкалар орасида Либеркюн криптлари эпителий зонаси

хужайраларининг янгиланишида ва пролеферацияда муҳим аҳамиятга эга[2,4]. Ичакнинг морфометрик кўрсаткичлари сифатида ворсинкаларнинг баландлиги, кенглиги ва крипталарнинг чуқурлиги, митотик фаоллик индексидан иборат. Нормал шароитда жигар дарвозасининг регионал лимфа тугунлари лимфоид фолликуллар эга қаватлари ва синусоидларига эга бўлади. Фолликулларда одатий иммун гомеостазни акс еттирувчи лимфоцитларни кўпайиш марказлари мавжуд бўлади[1,3].

Материал ва методлар. Ушбу тадқиқотда биз ўт пуфагини олиб ташлаш (холецистектомия) ингичка ичакнинг, яъни унинг ёнбош ичак қисмининг деворида қандай морфофункционал ўзгаришлар олиб келишини ўрганишга қарор қилдик. Ўт пуфаги ичакларга ўт суюқлиги миқдори тушишини тартибга солиш орқали овқат ҳазм қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу аъзо олиб ташланганда, ўт суюқлиги ишлаб чиқаришнинг одатий жараёни ўзгаради, бу ошқозон-ичак трактининг шиллиқ қаватига таъсир қилмай қолмайди.

Постхолецистектомия даврида ингичка ичак шиллиқ қаватининг таркибий тузилишидаги ўзгаришларни комплекс морфологик ва иммуногистохимёвий таҳлилини яқунлаш учун Ki-67 маркери ёрдамида пролифератив фаолликни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ядро оксиленинг экспрессияси хужайра циклининг G₀ босқичидан ташқари барча босқичларида намоён бўлади, ва бу уни хужайра бўлиниш интенсивлигининг ишончли ва умумий эътироф этилган кўрсаткичига айлантиради.

Натижалар.

Тадқиқотга кўра, анъанавий равишда ингичка ичакнинг терминал қисмлари функционал ҳолатини баҳолаш учун муҳим мезон бўлиб хизмат қиладиган B12 витамини даражасининг динамик ўзгариши муҳим аҳамиятга эга. Экспериментал холецистэктомия гуруҳи ҳайвонларида жарроҳлик аралашувдан сўнг ушбу кўрсаткичнинг сезиларли пасайиб 281.5 ± 38.9

пг/млн ташкил қилди ва бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан (447.1 ± 47.2 пг/мл) тахминан 1,6 баравар камайди. Ёнбош ичакда бу муҳим витамин махсус ички омил билан биргаликда фаол равишда сўрилганлиги сабабли, унинг қондаги концентрациясининг пасайиши сўрилишнинг иккиламчи функционал етишмовчилигининг ривожланишини бевосита кўрсатади. Концентрацияси ўзгарган ўт суюқлигининг доимий ичак бўшлиғида мавжудлиги ичак шиллиқ қаватига салбий таъсир кўрсатиб, озуқа моддаларининг нормал ташилиши ва сўрилишига тўсқинлик қилади.

Хулоса. Кўриб чиқилган барча биокимёвий параметрларни таққослаш холецистэктомия метаболик жараёнларнинг тизимли қайта мослашув ва реактив ўзгаришларини келтириб чиқаради деган хулосага келишимизга имкон берди. Организм ўт пуфагининг олиб ташланишига фақат алоҳида маҳаллий жавоб билан эмас, балки ёнбош ичак ва қон параметрларининг мураккаб морфологик ўзгариши билан жавоб беради, бу липид метаболизмининг кучланиши, витаминлар сўрилишининг ва ўт кислоталари айланишининг бузилиши билан жавоб беради. Биз олган маълумотлар экспериментал даврда ички аъзолар даражасида содир бўладиган чуқур функционал ўзгаришларнинг ишончли лаборатория тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Sunamura K. et al. Reactive lymphoid hyperplasia of the liver after surgery for advanced sigmoid colon cancer: a case report // Journal of Surgical Case Reports. – 2024. – № 4. – С. rjae248.
2. Almajid A. N., Sugumar K. Physiology, bile. – 2019.
3. Аскарьянц В. П. Аспекты прогнозирования процессов пищеварения // Восточно-Европейский научный журнал. – 2022. – Т. 82. – № part 1. – С. 33.
4. Aott W. et al. Xanthogranulomatous cholecystitis: diagnostic complexity and review of the literature // Journal of Surgical Case Reports. – 2023. – № 6.